



## РАМАЗОН ЭЪЛОНИ

Ассалому алайкум, мухтарам дин кардошлар, азиз Куръон мухлислари! Рамазон ойи билан сизларни яна бир муборак этиш баробарида бу улуг ойга доир бир тадбир уюштирмоқчимиз.

Устозимиз шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ хар йили Рамазон ойига алоҳида тайёргарлик кўриб, турли тадбирлар уюштирар эдилар. Ўз таъсисчилари жорий этган ушбу анъанани баҳоли кудрат давом эттириш илинжида «Гранд таълим» ўқув маркази ва «Куръон.уз» сайти биргаликда Рамазон ойи учун махсус мусобака ташкил этмоқчи.

### **Мусобака икки боскичда ўтказилади:**

1. Саралаш боскичи. Бунда иштирокчилар учта китобдан имтихон килинадилар. Бунинг учун китоблар асосида тузилган саволларга тўғри жавоб беришлари талаб килинади.

Мусобака учун куйидаги китоблар танланди:

– «Мўминнинг калкони»;

– «Муфассал тажвид»;

– «Хатми Куръонга мархабо».

Биринчи ва учинчи китобнинг электрон иловасини куйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

<https://e-hilolnashr.uz/catalog/detail/mminning-aloni---mufassal-rza-kitobi>

<https://e-hilolnashr.uz/catalog/detail/hatmi-uronga-marabo>

Саволлар билет шаклида таркатилади ва жавоблар жонли тарзда такдим этилади. Саволларга муваффакиятли жавоб бериш учун асарлардаги маълумотларни пухта ўзлаштириб олиш лозим. Биринчи боскичда энг кўп балл йиккан 10 ва ундан ортик иштирокчи кейинги боскичда беллашади. Аникроги, барча саволларга жавоб бериб, энг юкори балл йикканлар 10 тадан ортса, барчалари, ундан кам бўлса, уларнинг энг юкори балл йиккан 10 иштирокчи кейинги боскичга ўтади.

1. Бу боскичда Куръони Каримнинг 30-порасидан сўралган сурани тажвид билан ўкиб бериш талаб этилади. Ёддан ўкиш шарт килинмайди. Кироат мусобака меъёрларига кўра саводхонлик, тажвид, овоз ва тараннум жихатлари ила бахоланади.

Саволлар учун балл кабул килинган бўлиб, барча саволларга тўғри жавоб берган иштирокчи энг юкори бахога эга бўлади. Мусобакада соха мутахассислари хакамлик киладилар.

Мусобака факат эркаклар учун бўлиб, ёш чегараси йўк. Иштирокчилар адади чекланган: 30 та. Талабгорлар 30 тага етгач, рўйхатга олиш тўхтатилади.

Мусобака шу Рамазон ойининг 24- ва 25-кунлари, 2018 йил 9 ва 10 июн кунлари «Хилол-нашр» нашриёт-матбааси мажлислар залида бўлиб ўтади. Бошланиш соати – 10:00.

Голибларни кимматбаҳо совгалар кутмоқда. Иштирокчилар юкори 3 совринли ўринларга эга бўлмаган тақдирда ҳам эсдалик совгалар билан тақдирланадилар.

Рўйхатдан ўтиш учун куйидаги ракамга мурожаат килиб, шахсингиз хакидаги маълумотларни тақдим этинг:

(+99890) 902-22-60